



Berilgan xulosa reestrda
ko'rinmasa haqiqiy
hisoblanmaydi



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI EKOLOGIYA, ATROF-MUHITNI
MUHOFAZA QILISH VA IQLIM O'ZGARISHI VAZIRLIGI
DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI MARKAZI
TOSHKENT SHAHAR FILIALI

100097, Toshkent sh., Chilonzor tumani Qatortol ko'chasi 60 B-uy.

tel./faks:+998 (55) 502-01-85 Tel.: +998 (55) 502-05-95, veb-sahifa: <http://eco-service.uz/> elektron pochta: ekoekspert-toshkent@uznature.uz

DAVLAT EKOLOGIK EKSPERTIZASI XULOSASI

TARTIB RAQAM : 01-01/04-132

HUJJAT TURI : Atrof-muhitga ta'sir to'g'risidagi ariza

Davlat ekologik ekspertizasi buyurtmachisi: Ibragimova Sabokhat Mirgiyosovna ga berildi.

STIR:

Davlat ekologik ekspertizasi obyekti: Toshkent shahri Mirobod tumani da joylashgan

Loyiha ishlab chiquvchi nomi: ""ORIENT-ECO" MAS'ULIYATI CHEKLANGAN JAMIYAT" MCHJ

STIR: 309622445

Davlat ekologik ekspertizasi mas'ul eksperti: Kabilova Muxlisaxon Raximxodjayevna

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 7-sentabrdagi 541-son qarori bilan tasdiqlangan 1-ilovaga muvofiq, ushbu davlat ekologik ekspertizasi obyekti atrof-muhitga ta'sir ko'rsatishning 3-Toifa bandiga mansub.

O'tkazilgan davlat ekologik ekspertizasi natijasi: **Ijobiy xulosa**

Davlat ekologik ekspertizasi xulosasining matnli ilovasi: 4 varaqda

Davlat ekologik ekspertizasi xulosasi:

Berilgan sana : 19.01.2024

Amal qilish muddati : 19.01.2027

Ekologik ekspertiza obyektining ekologik talablarga muvofiqligi, joylashuv nuqtalari koordinatalari, atrof-muhitni muhofaza qilish chora-tadbirlari, bajarilishi shart bo'lgan talablar va boshqalar to'g'risida ilovada keltirilgan O'zbekiston Respublikasi ekologiya, atrof-muhitni muhofaza qilish va iqlim o'zgarishi vazirligining Davlat ekologik ekspertiza markazi va filiallarining ekspert xulosasi ushbu davlat ekologik ekspertizasi xulosasining ajralmas qismi hamda unda belgilangan talablar bajarilishi shart hisoblanadi.

Izoh: Buyurtmachi tomonidan davlat ekologik ekspertizasi xulosasida nazarda tutilgan ekologik talablarga rioya etilmaganda, davlat ekologik ekspertizasi xulosasi qonunchilikda belgilangan tartibda bekor qilinadi.



Баш эксперт
O.R.Axmedov

Махсус бланк рақами :

Давлат экологик
экспертизаси хулосасига
иловаBerilgan xulosa reestrd
ko'rinmasa haqiqiy
hisoblanmaydi

Давлат экологик экспертизаси натижалари бўйича Эксперт хулосаси

Объект:	Тошкент шаҳри Миробод тумани, "Иноқобод" МФЙ, Мехржон кўчаси, 30-уйда фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан мавжуд бинони савдо маиший хизмат кўрсатиш ва кўп қаватли турар уй-жой бинолар сифатида ихтисослаштириб ре
Буюртмачи:	"Ibragimova Sabokhat Mirgiyosovna"
СТИР	
Тоифа	3 тоифа (52 - банд, ЎзРес. ВМК № 541-сон 07.09.2020 й.)
Ишлаб чиқувчи:	"ORIENT-ECO" MAS'ULIYATI SHEKLANGAN JAMIYAT
Эксперт:	Kabilova Muxlisaxon Raximxodjayevna

"Давлат экологик экспертизаси маркази" Тошкент шаҳар филиалига Тошкент шаҳри Миробод тумани, "Иноқобод" МФЙ, Мехржон кўчаси, 30-уйда фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан мавжуд бинони савдо маиший хизмат кўрсатиш ва кўп қаватли турар уй-жой бинолар сифатида ихтисослаштириб реконструкция қилиш учун ишлаб чиқилган "Атроф-мухитга таъсири тўғрисидаги баёнот" "Атроф-мухитга таъсири тўғрисидаги баёнот" (АМТБ) лойиҳаси тақдим этилди.

Тақдим этилган материалларни кўриб чиқиб, "Давлат экологик экспертизаси маркази" Тошкент шаҳар филиали куйидагиларни таъкидлайди.

Фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан қурилиши режалаштирилган савдо маиший хизмат кўрсатиш ва кўп қаватли турар уй-жой биноларнинг умумий ер майдони 1778 м.кв.да жойлаштириш режалаштирилган бўлиб, унинг худуди шимол томондан – Сурхон кўчаси ундан сўнг кўп қаватли турар-жой уйлари билан, шарқдан Янгизамон кўчаси ундан сўнг кўп қаватли турар-жой уйлари, ғарбдан нотурар-жой бинолари билан, жанубдан эса кўп қаватли турар-жой уйлари билан чегараланган. Энг яқин турар-жой бинолари объектга нисбатан жануби шарқ томондан 45 метр масофада жойлашган.

Объект жойлаштирилиши географик координатлари куйидагича:

41°16'46.06" шимолӣ кенлик 69°17'54.27" шарқӣ узунлик;

41°16'43.95" шимолӣ кенлик 69°17'55.44" шарқӣ узунлик;

41°16'44.52" шимолӣ кенлик 69°17'56.20" шарқӣ узунлик;

Лойиҳага фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан томонидан мавжуд бинони савдо маиший хизмат кўрсатиш ва кўп қаватли турар уй-жой бинолар сифатида ихтисослаштириб реконструкция қилиш ишларига эътироз йўқлиги тўғрисидаги "Иноқобод" МФЙ раиси ҳамда ушбу ҳудуд яқинида истиқомат қилувчи фуқаролар томонидан тасдиқланган йиғилиш баённомаси илова қилинган.

Лойиҳага кўра ва илова қилинган ҳужжатларга асосан, мазкур объектда режалаштирилаётган реконструкция ишлари мавжуд бинода амалга оширилиши боис, ўсимлик дунёсига таъсири кузатилмайд.

Лойиҳада келтирилган маълумотларга ва илова қилинган вазиятди режага асосан, ҳамда Google Earth Pro дастури орқали таҳлил қилинганда, қурилиши режалаштирилган объектга яқин жойда 7 дона (тут-2, арча-5) дарахтлар мавжуд бўлиб, ушбу дарахтларни кесилмаслигига қорхона томонидан қафолат хати берилган.

Шунингдек фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан лойиҳага қафолат хати илова қилинган, унга кўра объектни реконструкция қилиш даврида объект хулуқидидаги барча дарахтлар тўлиқлигича сақланиб қолиниши қайд этилган.

Объектни ташкил этишда ўсимлик дунёсига зарарли таъсири камайтириш учун, объект атрофида мавжуд бўлган ўсимликларни максимал даражада сақлаш усуллари топиш лозим. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-46-сонли Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сонли "Давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ, мораторий амал қилиши белгиланди, унга кўра ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши ман этилади.

Объектда худудидидаги ва унинг яқинидаги дарахтларни кўчирилиши ёки кесилиши заруриятида белгиланган тартибда рухсатномаларни олгандан сўнг, Тошкент шаҳар экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармаси инспекциясининг назоратида бажарилиши шарт. Мазкур давлат экологик экспертизаси хулосаси дарахтларни кесиш учун рухсатнома бўлиб ҳисобланмайди. Дарахтларни кесиш ёки буталаш учун белгиланган тартибда Тошкент шаҳар экология, атроф-мухитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг рухсатномаси олинishi зарур.

Режалаштирилаётган объект жойлашган худудда, атмосфера ҳавосининг ифлосланишига таъсир қиладиган асосий манбаларига автотранспорт воситалари қиради. Улардан атмосфера ҳавосига ноорганик чанг, углерод оксиди, азот оксиди, углеводородлар ва ёқилғи ёниш маҳсулотлари ташламалари чиқарилади.

Лойиҳага кўра, 9 қаватли турар жой уйлари қуриш кўзда тутилган, пастки қаватида савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси, ер тўлада автотураргоҳ, ҳамда болалар майдончаси қуриш режалаштирилган. бўлган битта блокдан 2 та йўлакдан иборат жами 72 та хонадондан ташкил топган турар-жой бинолари қурилиши режалаштирилган. Хар бир хонадонга икки контурли газ қозонлари ўрнатиш кўзда тутилган. Бир дона газ қозони фаолияти натижасида соатига 1,7 м.куб табиий газ сарфланади. Уларни ишлаши натижасида атмосфера ҳавосига углерод, азот ва олтингургурт оксидлари каби ифлослантувчи моддаларни ташланиши кузатилади.

Турар-жой бинони қурилиши билан бирга хар бир қаттиқ маиший чиқинди тури учун уни вақтинча сақлаш жойларини ва уларнинг кейинги ҳаракатлари экологик тадбирларини кўриб чиқиш, ҳамда чиқинди контейнерларини ўрнатиш учун махсус бетонланган майдонни ташкил этилиши шарт.

Лойиҳага биноан, объектнинг атмосфера ҳавосини ифлослантувчи асосий манбалари, газ қозонлари ва газ плиталари (ташқиллаштирилган 1 манба) ҳисобланади. Ушбу манбалардан атмосфера ҳавосига йилга 8,49 тонна ифлослантувчи моддалар чиқарилиши режалаштирилган бўлиб, улар таркибининг углерод оксиди – 6,614 тонна, азот (II) оксиди – 1,86 тонна, олтингургурт (II) оксиди – 0,0167 тонна миқдорда ташкил этади. Атмосфера ҳавосида ифлослантувчи моддаларнинг энг юқори юза максимал концентрациясининг ҳисоб-китобида мувофиқ, ташламаларнинг белгиланган квотадан ошиб кетиши аниқланмади.

Объект марказлашган барча муҳандислик электр энергияси, сув ва канализацияга уланиш режалаштирилган. Бинони ичимлик суви билан таъминлаш учун объект жойлашган худудда ўтган марказлашган шаҳар ичимлик сув тармоғига уланиш режалаштирилган. Хўжалик-ичимлик ва хўжалик-маиший эҳтиёжлари учун шаҳар сув таъминоти тармоғидан кунга – 10,765 м.куб, йилга эса – 3850,38 м.куб миқдорда сув истеъмоли сарфи кузатилади. Сув истеъмоли миқдори – оқова сувлар ҳосил бўлиш миқдорига тенг бўлади. Хўжалик-маиший оқова сувлар канализация тармоғига чиқарилади. Ёгингарчиликдан ҳосил бўлган оқова сувлар туманининг ирригация тармоғига юборилади. Лойиҳа бўйича қўрилган чоралар ифлосланган сувларнинг ер ости ва ер усти сувларига тушишини истисно қилади.

Объект хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш натижаларига кўра, объект ишга туширилгандан сўнг, хавфлик даражаси IV ва V синфга мансуб бўлган умумий миқдори йилга – 134,45 тоннага тенг 5 турдаги маиший ва истеъмоли чиқиндиларининг ҳосил бўлиши аниқланди.

Лойиҳада барча чиқиндиларнинг ҳосил бўлиш манбалари ёритилиб, уларнинг йиллик миқдори, меъёрлари ҳисоб-китоби келтирилган.

Барча чиқиндиларни йиғиш ва олиб чиқишнинг белгиланган шартлари бажарилганда атроф-мухитга зарар келтирмайди.

Лойиҳага биноан объектнинг қурилиши даврида ер усти ва ер ости сувлари, тупроқ ва атмосфера ҳавосини ифлослантувчи асосий манбалари бу транспорт воситалари, қурилиш техникалари ва қурилиш ишлари ҳисобланади. Қурилиш якунланиб объект фойдаланишга топширилганда ушбу чиқинди ва ташламалар ҳосил бўлмайди.

Давлат экологик экспертизаси, фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан ташкил этилаётган объектнинг қурилиши жараёнида атмосфера ҳавосига ташланадиган зарарли моддаларнинг белгиланган меъёрдан ошмаслиги, очик сув хавзаларига оқова сувларни ташланмаслиги, худуддаги мавжуд экологик ҳолатнинг ёмонлашувида олиб келмаслигини инобатга олиб, ушбу худудда турар-жой бинолари қурилишига экологик нуқтан назардан эътироз билдирмайди.

"Давлат экологик экспертизаси маркази" Тошкент шаҳар филиали, Тошкент шаҳар Миробод тумани, "Иноқобод" МФЙ, Мехржон кўчаси, 30-уйда фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан мавжуд бинони савдо маиший хизмат кўрсатиш ва кўп қаватли турар уй-жой бинолар сифатида ихтисослаштириб реконструкция қилиш учун ишлаб чиқилган "Атроф мухитга таъсири тўғрисидаги баёнот" лойиҳасини **маъқуллайд.**

Ўзбекистон Республикасини Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги Атроф-мухитга таъсири баҳолаш механизмининг янада такомиллаштириш тўғрисидаги қарорининг 2-илова, 3-боб, 23-бандига мувофиқ, объект фойдаланишга қабул қилинганга қадар бажариладиган ва лойиҳалаштирилаётган объектнинг атроф мухитга таъсир кўрсатишининг якунловчи босқичи ҳисобланган "Экологик оқибатлар тўғрисидаги баёнот" (ЭОТБ) экологик норматив лойиҳасини ишлаб чиқишлари ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасига тақдим этишлари керак.

Фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан қуйидагилар таъминланиши керак бўлади:

- объект жойлашадиган майдоннинг ён атрофида мавжуд бўлган ўсимлик ва дарахтларни кесиш қатъиян ман этилади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 31 декабрдаги "Республикада кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, дарахтлар муҳофазасини янада самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида" ПФ-46-сонли Фармони, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 18 февралдаги 93-сонли "Давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталарнинг қимматбаҳо навларини сақлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори талабларига мувофиқ, мораторий амал қилиши белгиланди. Унга кўра ваколатли давлат органларига давлат ўрмон фондига қирмайдиган дарахтлар ва буталар қимматбаҳо навларининг кесилиши ман этилади.

- кейинги босқичда, қорхонада аниқлаштирилган чиқиндилар ва ташламалар миқдори номенклатурасини ҳисобга олган ҳолда, атроф мухитга таъсир кўрсатишининг якунловчи босқичи "Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот" (ЭОТБ) лойиҳасини ишлаб чиқиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда давлат экологик экспертизасига тақдим этиш;

- Атроф мухитга таъсири баҳолашни лойиҳалаштиришнинг кейинги босқичи "Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот" (ЭОТБ) лойиҳасида бажарилган лойиҳавий ечимлар ва давлат экологик экспертизаси хулосасининг талаблари бажарилганлиги тўғрисидаги Экология ва атроф-мухитни муҳофаза қилиш соҳасидаги назорат бўйича инспекцияси иштирокида объект жойлашган жойнинг кузатув далолатномасини тақдим этиш талаб этилади;

- объект амалдаги ҚМҚ талаблари бўйича лойиҳалансин ва қурилсин;

- реконструкция ва қурилиш ишларини бошлашдан олдин, тегишли ташкилотларнинг хулоса ва техник шартлари олинishi шарт;

- лойиҳаланаётган худудда барча муҳандислик коммуникация тизимлари (ичимлик ва оқова сув, табиий газ, электр тармоқлари ва бошқалар) мутасадди қорхоналарнинг рухсатномалари (техник шарт) асосида уланиши лозим;

- объект қурилиши даврида ер ости ва ер усти коммуникация тизимлари химоя майдонини сақлаш;

- ер ости захираларини нефть маҳсулотлардан ифлосланишига йўл қўймаслик учун автомобил турар жойлари, кириш-чиқиш йўллари ер майдони кучли ҳимояланган махсус бетон тўшама билан қоплансин;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 28.01.2021 йилдаги 40-сонли “Қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан тасдиқланган Низом талабларига мувофиқ, объект қурилиши жараёнида ҳосил бўлган қурилиш чиқиндиларини утилизация қилиш ёки қайта ишлаш ишларини ташкил этиш;
- қурилиш ишларини амалга ошириш даврида ўсимлик дунёсига зарар етказилмасин, ноқонуний дарахт ва буталарни кесилишига йўл қўйилмасин;
- ёнғин ва техника хавфсизлигига риоя этилишига доир чора-тадбирларни амалга ошириш лозим;
- коммуникация ва вентиляция мосламларини соз ҳолда тутиш, мунтазам равишда техник хизмат кўригидан ўтказиш ишларини доимий равишда амалга ошириш лозим;
- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 02.10.2018 йилдаги 787-сонли “Маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги ишлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Низомга мувофиқ тасдиқланган “Санитария жиҳатидан тозалаш инфратузилмаси объектларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳамда маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш қондалари”га асосан ишларни ташкил этиш;
- ҳосил бўлган қаттиқ-маиший чиқиндиларни турларига кўра саралаб, иккиламчи хом-ашё сифатида тегишли корхоналарга топширилсин, ҳудудда чиқиндиларни вақтинча сақлаш учун махсус жой ташкил қилинсин;
- маиший чиқиндиларни тўплаш ва вақтинча сақлаш учун махсус пунктларни ташкил этиш (стандарт бўйича), уларни хили бўйича алоҳида идишларда йиғилишини таъминлаш ва уларни олиб чиқиш бўйича ихтисослашган санитария компаниялари билан шартнома тузиш;

- қурилиш даврида чанг ва шовқинни олдини олиш мақсадида юқори қаватлардаги қурилиш ва таъмирлаш чиқиндиларини хавфсиз ва тез пастга тушириш учун махсус қурилиш шланглари (строительный рукав) ва бардошли ахлат қутиларини ўрнатиш талаб этилади. - қурилиш жараёнида ҳосил бўлган қурилиш (синган гишт, оҳак, гипс чиқиндилари, цементли қоришмалар, профнастил ёки шифер қирқимлари ва бошқа) чиқиндиларини ўз вақтида шаҳарнинг тегишли ташкилотлари томонидан туман чиқиндиҳонасига олиб бориб жойлаштирилиши лозим. Қурилиш чиқиндиларини ер остига кўмиб ташлашга йўл қўйилмасин;

- 2020 йил 29 сентябрдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маиший ва қурилиш чиқиндилари билан боғлиқ ишларни бошқариш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4845-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 22 февралдаги 88-сонли қарори талабларига мувофиқ, маиший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш;

Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларига риоя этилмаганлиги ҳамда лойиҳага ҳаққоний маълумотлар берилмаслигига корхона раҳбари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Ўзбекистон Республикаси “Экологик экспертиза тўғрисида”ги (қонуннинг 22-моддасига биноан, ушбу объектнинг экологик талабларга мувофиқлиги ҳусусида, давлат экологик экспертизасининг берган ҳулосаси, берилган қундан эътиборан **3 йил мобайнида юридик кучга эга** ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 7 сентябрдаги 541-сонли “Атроф-муҳитга таъсирни баҳолаш механизминини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорининг 2-иловаси, 3-боб, 236-бандига асосан, фаолият кўрсатаётган объект реконструкция, модернизация қилинган, қайта ташкил этилган, кенгайтирилган ёки жойлашуви ўзгартирилган тақдирда атроф муҳитга таъсир баҳоланади ва атроф муҳитга таъсирни баҳолаш тўғрисидаги ариза лойиҳаси ишлаб чиқилади ва давлат экологик экспертизасидан ўтказиш учун тақдим этилиши белгилаб қўйилган.

Тошкент шаҳар экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши бошқармасининг Миробод туман инспекциясига Фуқаро С.М.Ибрагимова томонидан экологик қонунлар ва меъёрларига риоя этилишини ва табиатдан фойдаланганлик учун белгиланган тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши устидан мунтазам назорат қилиш, ҳамда лойиҳа ҳужжатида назарда тутилган табиатни муҳофаза қилиш тадбирларининг бажарилиши ва объектни ишга туширишдан олдин “Экологик оқибатлар тўғрисида баёнот” лойиҳасини (ЭОТБ) ишлаб чиқирилиши ҳамда, ҳулосада кўрсатилган талаблар бажарилиши устидан мунтазам назорат олиб бориш юқлатилади.



**Масъул давлат экологик экспертиза
эксперти:** Kabilova Muxlisaxon Raximxodjayevna
Тел: +998 71 203 00 22 (1022)